ТРЕНЕРЛАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: НОЗИРГИ ЗАМОНДАГИ АНАМИЯТИ ВА ЙЎНАЛИШЛАРИ

В.Ш.Караев *- Чирчиқ давлат педагогика университети "Спорт ўйинлари ва уни ўқитиш методикаси" екафедраси мудири, п.ф.б.ф.д (PhD)*
С.А.Жаббарова*-ЧДПУ магистранти*
О.Д.Холдоров*-ЧДПУ магистранти*
Ж.Н. Абдукаримов*-ЧДПУ талабаси*

Аннотация

Музкур тезисда тренерларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, яъни малакали таълим, замонавий технологиялар, психология ва индивидуал ёндошувларнинг аһамиятига

эътибор қаратилган. Тренерларнинг мукаммаллашган касбий кўникмаларга эга бўлиши, спортчиларнинг натижаларини яхшилаш, тажрибали ва самарали тренерлик жамоасини шакллантириш имконини беради.

Калит сўзлар: касбий компетентлик, педагогик компетентлик, психологик компетентлик, стресс, мотивация, инновацион билимлар, мастер-класс.

Касбий компетентлик тренерларнинг муваффақиятли иш олиб бориши учун асосий омиллардан бири ҳисобланади. Спорт соҳасида тренернинг касбий даражаси, унинг билимлари ва кўникмалари спортчиларнинг муваффақиятли натижаларга эришишида муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун тренерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш, замонавий спорт талабларига мос равишда уларни малакали ва самарали иш олиб боришга йўналтириш, ҳар жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

1. Касбий компетентликнинг таркибий қисмлари

Касбий компетентлик тренернинг мутахассислик соҳасидаги билимлари, кўникмалари, шахсий ва ишлашга нисбатан муносабатлардан иборат бўлади. Унга қуйидаги элементлар кириши мумкин:

Техник билимлар – спорт соҳасидаги фундаментал ва амалиётдаги билимлар, яъни тренернинг ўз соҳасидаги асосий назарий ва амалий билимлари.

Педагогик компетентлик – тренернинг спортчиларни ўқитиш, мотивациялаш, таълим бериш, психологиядан фойдаланиш, педагогик иш олиб бориш қобилиятлари.

Психологик компетентлик – спортчиларнинг психоэмоционал ҳолатини тушуниш, улар билан самарали алоқа ўрнатиш, стрессга чидамлиликни таъминлаш.

Машқ қилиш ва тактика қобилиятлари – тренернинг спортчиларни самарали ривожлантириш, муаммоларни ҳал қилиш, рақобатдаги стратегиялар ва тактикаларни ишлаб чиқиш қобилияти.

Инновацион билимлар – замонавий педагогик технологиялар ва методлардан фойдаланиш, спортдаги янги трендлар ва илмий тадқиқотлардан хабардор бўлиш.

2. Тренерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш йўналишлари

Тренерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш жараёнини самарали олиб бориш учун бир қатор йўналишларни аниқлаш керак. Улар қуйидагича бўлиши мумкин:

Таълим ва усуллар: Замонавий тренерлар учун педагогик билимларни ўзлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Бунга спортчи билан ишлашда янги

методлар ва усуллардан фойдаланиш, тренерларнинг педагогик маҳоратларини ошириш ҳамда амалиётда замонавий технологиялардан фойдаланиш киради. Таълимга оид янги методикалар ва педагогик технологиялар, интернет ресурслари ва мултимедиа дастурлари тренерларнинг билим даржасини оширишда муҳим рол ўйнайди.

Инновацион усулларни жорий қилиш: Замонавий илмий тадқиқотлар ва методикалар тренерларнинг компетентлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Нозирги кунда жисмоний тарбия ва спорт фанларида кўплаб янги концепциялар, методлар ва технологиялар ишлаб чиқилган. Ушбу янгиликларни тренерлар фаолиятига жорий этиш ва уларни замонавий билимлар билан таъминлаш тренерлар учун муҳимдир.

Мотивация ва психология: Спортчи билан ишлашда психологиянинг аҳамиятини инобатга олиш керак. Тренерлар спортчиларни мотивациялаш, уларнинг психологик ҳолатини тушуниш ва ҳар хил вазиятларда улар билан ишлаш қобилиятига эга бўлишлари керак. Шунинг учун тренерлар учун психологик билимларни ошириш муҳимдир. Психологик тренинглар, индивидуал ва гуруҳлик машғулотларда психологик методларни қўллаш тренерларнинг компетентлигини оширишда муҳим рол ўйнайди.

Интернет ресурслари ва анимациялар: Замонавий тренерлар учун электрон таълим, интернет платформалари ва интерактив анимациялардан фойдаланиш муҳимдир. Интернетда турли хил видеоматериаллар, вебинарлар, онлайн курслар мавжуд бўлиб, улар тренерларнинг билим даражасини ошириш ва янги усулларни ўзлаштиришда катта ёрдам беради.

3. Тренерларнинг касбий компетентлигини шакллантиришда даврий тренинглар ва семинарлар

Тренерларнинг касбий компетентлигини ошириш учун даврий тренинглар, семинарлар ва мастер-класслар ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тадбирлар тренерларга замонавий усуллар, янги технологиялар ва илмий тадқиқотлар билан танишиш имкониятини яратади. Шунингдек, уларнинг амалиётда ўзлаштирган билимларини ишга солиш ва спортчиларга самарали тарбия бериш кўникмасини ривожлантиришга ёрдам беради.

4. Халқаро тажриба ва ҳамкорлик

Тренерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштиришда халқаро тажрибалардан фойдаланиш муҳимдир. Спортнинг барча йўналишларида халқаро семинарлар, конференциялар ва тренинглар ўтказилади, у ерда тренерлар ўз билимлари билан ўртоқлашадилар ва янги билимлар олишади. Намкорликлар орқали тренерлар орасида мутахассисликларни кенгайтириш ва умумий стандартларга амал қилишга катта эътибор қаратиш керак.

5. Маҳаллий шароитда тренерларнинг касбий ривожланиши

Ўзбекистонда тренерларнинг касбий компетентлигини ошириш учун ўзига хос шарт-шароитлар мавжуд. Бунга мамлакатда спорт соһасида амалга оширилаётган реформа ва янгиланишлар, тренерларнинг билимини ошириш учун ташкил этилган миллий ва халқаро курслар, семинарлар ва малака ошириш дастурлари киради. Шунингдек, миллий спорт ассоциациялари, тренерлар уюшмалари ҳам тренерларнинг касбий даражасини оширишда муҳим рол ўйнамоқда.

Хулоса:

Тренерларнинг касбий компетентлигини такомиллаштириш замонавий спортнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мақсадга эришиш учун тренерлар билимларини мунтазам равишда янгилаш, инновацион усуллардан фойдаланиш ва психологик компетентликни ошириш керак. Тренерларнинг касбий компетентлигини шакллантиришда ҳам халқаро тажрибалардан фойдаланиш, ҳам миллий шароитга мослаштирилган усуллар ва дастурлар муҳим рол ўйнайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Вазирлар Маһкамасининг 2022-йил 4-июлдаги “Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғ‘рисида”ги ВМ-355-сонли қарори.

2. В. Ш. Караев, " Яккакураш спорт турлари мураббийларининг касбий компетентлигини такомиллаштириш йўллари". Таълим, Фан ва Инновация. Маънавий-маърифий, илмий-услубий журнал. - 2024. - 3-сон. - 94-97-б.

3. И. Н. Шарифов, "Тренерлар учун педагогик компетентлик". Тошкент: "Таълим" нашриёти, 2020.